Ахмад Фарғоний номидаги вилоят
ахборот-кутубхона маркази
Илмий - услубият бўлими

“Истиқлолдан нафрўз қайта уйғонган айём”

Наврўз Муборак!

мусиқали тадбир сценарийси

Фарғона – 2018

Байрам халқнинг шодлик ва
хурсандчилик кунидир.
Маҳмуд Қошғарий

Ҳар бир миллатнинг ижтимоий-маданий ҳаётида азалий анъана, урф-одат, маросим, байрамлари мавжуд. Шундай байрамлардан бири Наврўз байрамидир.

Наврўз... форс-тожикча сўз бўлиб, нав – янги, рўз- кун сўзларидан тузилган. Ўзбек тилида янги кун ёки янги йилнинг биринчи куни деган маънони билдиради.

Наврўзни байрам қилиш Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда қадимда таркиб топган анъанадир. Аждодларимизнинг қадимги тақвими Наврўздан бошланган. Меҳнаткаш халқ ҳаётида муҳим ўрин тутган баҳор байрамлари янги меҳнат мавсуми бошланишидан дарак берган. Наврўз инсон онгида жуда қадимдан шакллана бошлаган табиат омиллари билан муносабатлари заминида вужудга келган.

“Истиқлолдан қайта уйғонган айём”
мавзусидаги мусиқали тадбир сценарийси

Атрофни баҳор нафаси қоплаган. Саҳна баҳор байрамига мос равишда безатилади. Хона миллий сўзаналар билан безатилади. Деворларга турфа гуллар расми чизилади. Наврўзга аталган шеър, битиклар кўринарли жойларга ёзиб қўйилади. Шифтга баҳор қушлари ҳисобланмиш турна, қалдирғоч, лайлак, булбул тимсолида қоғоз ўйинчоқлар илинади. Меҳмонлар жойлашгунларига қадар баҳор фаслини тараннум этувчи куй (масалан “Баҳор келса, алвон-алвон очилса гуллар” қўшиғи) янграб туради.

Қуйидаги тадбир сценарийсини ҳар бир муассаса ўзларига мослаб фойдаланишлари мумкин. Атроф наврўзона безатилган.

Саҳнага Баҳорой тимсолида бир қиз кириб келади. У узун гулли кўйлак кийиб, бошига гулчамбар таққан. Қўлини кўксига қўйганча эгилиб салом беради.

Баҳорой: - Ассалому алайкум азиз меҳмонлар! Сизларни Наврўз байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Улуғ айём юртимизга қут-барака олиб келсин. Барчангизга узоқ умр, бахт- саодат ва ҳамиша омонлик тилайман.

Баҳордан бошланар гўзаллик фасли,
Йилнинг илк тонгидир оламда асли.

Наврўзни хуш кўрган хуш яшар абад,
Бахтга мушаррафдир ул инсон насли!

Саҳнада баҳорга мос куй таралмоқда, бошловчилар даврага чиқиб келади.

1-бошловчи:

Бугун шодиёна Наврўзи олам,
Наврўзи олам, Орзиқиб кутилган навбаҳор тўйи!
Ассалом янги йил! Ассалом байрам!
Сенга аталгуси юраклар куйи.

2-бошловчи:

Димоққа ялпизлар нафаси урар,
Юракда муаттар чечаклар кулар.
Бир сулув келинчак саломга келар,
Остонога бош ур, азиз меҳмонимиз.
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним.

1-бошловчи: Ассалому алайкум, шодиёнамиз меҳмонлари ва иштирокчилари. Сизларни Наврўз - баҳор байрами, яшариш, покланиш байрами билан чин дилдан табриклаймиз. Бугунги куй қўшиқларимиз сизлар учун.

(саҳнада санъат коллежининг талабалари ижросида қўшиқ янграйди)

2-бошловчи: Айлабон лутфу-карам, наврўзи олам келдилар, Ўсмадан қоши қалам, наврўзи олам келдилар. Бир ажиб ҳис уйғотиб ирмоқларнинг хониши, Куйлашиб савту ажам, наврўзи олам келдилар.

1-бошловчи: Дарҳақиқат наврўзи олам келиши билан ўлка миз чиройига чирой қўшилиб боғу-роғлар кўк либос кийиб, далалар яшнаб, шаҳар ва қишлоқлар ўзгача тус олади. Республикамизнинг барча жойларида бу байрам ўзгача кутиб олинади. Мана бугунги даврамизга ҳам меҳмонлар ташриф буюришган, табрик учун сўзни ……..га берамиз, марҳамат.

(……нинг табриги)

2-бошловчи: Раҳмат. Наврўз ўлкамиз бўйлаб кезмоқда, барчанинг юзида баҳор нафаси, дошқозонлар осилган, кўк сомсалар ёпилган, бутун ўзбек халқи баҳорона кайфиятда. Келинг навбатни баҳор рақсига берамиз, марҳамат.

(Баҳор рақси: “Баҳор валси” Санъат коллежи талаба қизлари рақс намойиш этишади)

1-бошловчи: Наврўз янги кун, яъни янги ҳосил йилининг биринчи кунидир. Мустақиллик шарофати туфайли бу улуғ байрамнинг тикланиши ўзбек халқини хурсанд қилиб юборди. Наврўз байрамида одамлар бир-бирларига яхши тилаклар билдиради, ёру-биродарлар, қариндошлар дийдор кўришади. Келинг табрик учун сўз навбатини АКМ раҳбари ……га берамиз.

(АКМ раҳбари ……нинг табриги)

2-бошловчи: Раҳмат, азалдан Наврўз байрамида турли кўрик-танлов ҳамда мусобақалар ўтказилгани маълум. Бугун АКМнинг хизмат кўрсатиш бўлимларининг энг фаол китобхон қизлари ўртасида “Баҳор маликаси” кўрик танлови ҳам шулар жумласидан.

1-бошловчи: Таништирув шарти бўйича қизларимизни саҳнага таклиф этсак.

Танишув шартида қатнашчиларнинг ўзлари ҳақидаги маълумотни қандай етказиб беришлари ва томашабинларни Наврўз байрами билан табриклашлари баҳоланди.

(Саҳнада катнашчилар ўз чиқишлари билан иштирок этишади)

2-бошловчи:

Табиатда бугун ўтли уйғониш.
Нур билан киради дилга орзулар.
Юракда шодлик этади хониш
Лабдан лабга кўчар майин кулгилар.
Қуёш кириб келар, ҳам хонадонга
Баробар улашар ёғдусин бугун.
Қуёш табассум этаржаҳонга
Ушалар дилдаги орзулар бугун.

“Наврўз”нинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд. Масалан, зардуштийлар даврида эзгулик худоси Ахурамазда (Ҳурмуз) баҳор, ёзда, ёвузлик худоси Анхарамайню (Ахриман) – кузда ва қишда ҳукмронлик қилади, деган қараш мавжуд бўлган. Баҳорнинг биринчи кунини эзгулик худоси ёвузлик худоси устидан ғалаба қилган муқаддас сана, деб байрам қилишган. Бу сана “Наврўз” кунига айнан тўғри келган.

1-бошловчи: Яна бир қадимий афсонага кўра, Одам Ато ва Момо Ҳаво илк бор учрашган кун “Наврўз” байрами деб тан олинган эмиш.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида эса янги йил (“Наврўз”)нинг пайдо бўлиши шоҳ Жамшид* номи билан боғланади. Жамшид одамларга яхшилик қилиш

мақсадида уларни касбга ўргатади, темирни эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб, кийим тўқитади, ҳаммом, уй, саройлар бунёд қилдиради, табиблик сирларини очади, кема ясатади, боғ барпо қилдиради. Ниҳоят, Жамшиднинг ишлари гуркираб, мева берган кунда ўзига тахт ясатиб, унда осонгина кўтарилади. Бу “Шоҳнома”да қуйидагича таърифланади:

Тахт кўкда чарх урар мисоли қуёш,
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,

Шу кунни янги йил – байрам дейишар.
Йил боши Хурмузу эди фарвардин,
Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,
Юзларин чолғуга, мойга бурдилар.

2-бошловчи: 2-шарт “Китоб мутолааси” деб номланиб, ушбу шартда қатнашчиларга ҳакамлар томонидан тайёрлаб қўйилган бадиий асар номи ёзилган қогозлардан тортиб, берилган асарнинг муаллифи, қаҳрамонлари ва асарнинг асл моҳиятини тушунтириб беришлари керак эди. Бу шартда қизларнинг қанчалик кўп китоб ўқишлари баҳоланди.

(Саҳнада катнашчилар ўз чиқишлари билан иштирок этишади)

1-бошловчи:

Сенинг илтифотинг, эҳсонинг билан
Дўстлар дийдорига бир-бир тўяйлик
Адирлар қўйнида айтиб шўх ўлан
Шаддод болакайдай яйраб кулайлик.

(Саҳанада 5-6 нафар йигитлар чиқишиб,“Ким олади-ё, шугунани-ё” ўйинини ўйнашади, ғолиб томашабинлар олқишига сазовор бўлади.)

2-бошловчи:

Сулув қиз сочпопук тақади,
Юракка оловлар ёқади.
Томирда ишқ дарё оқади,
Дарвоза зулфини қоқади.

(Саҳнада қизлар. Толбарглардан гулчамбар ясаш жараёнида ўйин кулги авжига чиқади, ким тез ва чиройли гулчамбар ясаб бошига кийса, шарт ғолибаси деб хисобланади).

1-бошловчи: Сўнги миллий таомлар тайёрлаш бўйича қизлар ўзларининг маҳоратларини кўрсатиб беллашиш вақти етиб келди.

(Саҳнада қизлар тез ва сифатли ҳамир ёйиб, кўк сомса тугса, шарт ғолибаси деб топилади)

2-бошловчи: Энди бугунги байрам дастуримизни ташкилотчиси ……га сўз берамиз.

(Байрам ташкилотчиси ….нинг сўзи, танлов якунига кўра ғолибларга ва қатнашчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилади.)

1-бошловчи: Шу билан, азиз дўстлар, бугунги Наврўз байрамига бағишланган байрам дастуримиз ниҳоясига етди.

2-бошловчи: Сизларга омад ва соғлик тилаймиз.

(саҳнада қўшиқ янграйди)

Фойдаланган адабиётлар.

Холмўминова Б. Бирни кессанг, ўнни эк //Бошланғич таълим. - 2015. - N1. - С. 12-13.

Холиқова С. Наврўз - баҳор байрами //Фарғона зиёси. - 2014. - N1. - С. 12-13.

Музаффарова Р. Ассалом, Наврўз! //Бошланғич таълим. - 2011. - N3. - С. 16-17.

Закирова Э. Навруз - большой восточный праздник //Бошланғич таълим. - 2010. - N3. - С. 16-17.

Мажидова С. Ассалом Навруз!: Сценарий //Тил ва адабиёт таълими. - 2010. - N2. - С. 80-87.

Қучкорова Д. Ассалом, Наврўзи олам //Тил ва адабиёт таълими. - 1994. - N1. - С. 38-40.

Тузувчи:М.Рустамова